Ўзбекистон Республикаси
Марказий банкида

«_____» _____ 2019 йилда
рўйхатга олинган

рўйхатга олиш рақами_____

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки раиси ўринбосари

_____
Б.Э.Захидов

м.ў.

ЧЕТ ЭЛ КАПИТАЛИ ИШТИРОКИДАГИ «INVEST FINANCE BANK» АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ

У С Т А В И

(Янги таҳрирда)

«ТАСДИҚЛАНГАН»
АТБ «InFinBank»
Акциядорлари умумий йиғилишининг
2019 йил 25 июндаги 48-сонли баённома
қарори

Кенгаш раиси:

_____
М.А. Абдусаматов

м.ў.

УСТАВ МАЗМУНИ:

1	Умумий қоидалар	3
2	Банкнинг юридик мақоми, унинг жойлашган ери (почта манзили) ва электрон почта манзили	3
3	Банк операцияларининг рўйхати, мақсади ва фаолият муддати	4
4	Банкнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари	5
5	Банк устав капиталининг миқдори, уни кўпайтириш ва камайтириш тартиби	7
6	Банк акцияларининг турлари ва сони, номинал қиймати, акцияларни жойлаштириш тартиби ва шартлари ҳамда эълон қилинган акциялар	8
7	Банк акциядорларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари	9
8	Банк соф фойдасини, дивидендларини тақсимлаш ва зарарларни қоплаш тартиби	10
9	Банкнинг ўз маблағлари ва кредит ресурслари, захира фонди ва бошқа фондларни ташкил этиш	12
10	Банкнинг бошқарув органлари	12
11	Банк акциядорларининг умумий йиғилиши	13
12	Банк Кенгаши	16
13	Банк Ижроия органи (Бошқарув)	18
14	Банкнинг молия-хўжалик фаолиятини назорат қилиш	21
15	Банкнинг ҳисоби ва ҳисоботи, йиллик ҳисоботларни тузиш, текшириш ва тасдиқлаш тартиби	23
16	Банк филиаллари, уларни ташкил этиш тартиби	24
17	Мижозларнинг манфаатларини таъминлаш	24
18	Банкни қайта ташкил этиш ва тугатиш	25
19	Уставга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш	26

1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Чет эл капитали иштирокидаги «Invest Finance Bank» акциядорлик тижорат банки (кейинги матн давомида Банк деб номланади), кредит ташкилоти бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонунига ва Банк таъсисчиларининг 2007 йил 26 октябрдаги (2-сонли Баённома) умумий йиғилиши қарори билан банк фаолиятини амалга ошириш мақсадида ташкил этилган.

1.2. Банкнинг давлат тилидаги фирма номи (кирилл алифбосида):

- тўлиқ номи – **Чет эл капитали иштирокидаги «Invest Finance Bank» акциядорлик тижорат банки;**
- қисқартирилган номи – **АТБ «InFinBank».**

Банкнинг давлат тилидаги фирма номи (лотин алифбосида):

- тўлиқ номи – **Chet el kapitali ishtirokidagi «Invest Finance Bank» aksiyadorlik tijorat banki;**
- қисқартирилган номи – **ATB «InFinBank».**

Банкнинг рус тилидаги фирма номи:

- тўлиқ номи – **Акционерно–коммерческий банк «Invest Finance Bank» с участием иностранного капитала;**
- қисқартирилган номи – **АКБ «InFinBank».**

Банкнинг инглиз тилидаги фирма номи:

- тўлиқ номи – **Joint-Stock Commercial Bank «Invest Finance Bank» with foreign capital;**
- қисқартирилган номи – **JSCB «InFinBank».**

1.3. Банк Муассислари (дастлабки таъсисчилари):

I. Жисмоний шахслар		
№	**Ф.И.Ш.**	**Устав капиталига киритган улуш миқдори**
1	Маматджанов Фахритдин Джураевич	40,0 фоиз ёки 1 284 000 000 сўм
2	Ахмаджанов Азиз Нигмаджонович	4,5 фоиз ёки 144 450 000 сўм
3	Набиев Саидумар Аброрович	4,0 фоиз ёки 128 400 000 сўм
4	Кудратуллаев Убайдулло Файзуллаевич	2,5 фоиз ёки 80 250 000 сўм
II. Юридик шахслар		
№	**Тўлиқ фирма номи**	
1	«Avesta Finansial Holdings» ёпиқ акциядорлик жамияти	26,0 фоиз ёки 834 600 000 сўм
2	«Alfa Group» очиқ акциядорлик жамияти қўшма корхонаси	15,88 фоиз ёки 509 748 000 сўм
3	«Agroplastimpeks» масъулияти чекланган жамияти қўшма корхонаси	7,12 фоиз ёки 228 552 000 сўм

2. БАНКНИНГ ЮРИДИК МАҚОМИ, УНИНГ ЖОЙЛАШГАН ЕРИ (ПОЧТА МАНЗИЛИ) ВА ЭЛЕКТРОН ПОЧТА МАНЗИЛИ

2.1. Банк Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига асосан юридик шахс ҳисобланади, ўзининг мустақил балансида ҳисобга олинадиган алоҳида мол-мулкига эга бўлади, ўз номидан мулкий ва шахсий номулкий ҳуқуқларни олиши ҳамда амалга ошириши, зиммасига мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

2.2. Банк ўзининг фирма номидан фойдаланишда мутлақ ҳуқуққа эга. Банк ўзининг Давлат тилида тўлиқ ёзилган фирма номи ва тимсоли тасвирланган юмалоқ муҳрига (муҳрда

қўшимча равишда фирма номи бошқа исталган тилда ҳам кўрсатилиши мумкин), ўз номи ёзилган штампи ва бланкаларига, ўз тимсолига эга, шунингдек бошқа ўз белги-аломатларига эга бўлишга ҳақлидир.

2.3. Банк Ўзбекистон Республикасининг банк тизимига киради ва ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг меъёрий ҳужжатлари, шунингдек мазкур уставга амал қилади.

2.4. Банк акциядор ёки ҳар қандай манфаатдор шахснинг талабига биноан уч иш куни ичида уларга Банк устави, шу жумладан, унга доир ўзгартиришлар ва қўшимчалар билан танишиб чиқиш имкониятини бериши шарт. Банк акциядорининг талабига биноан Банкнинг амалдаги уставидан нусха олиб бериши шарт.

2.5. Банк ўз мажбуриятлари, шунингдек аҳоли омонатлари юзасидан ўзига тегишли барча мол – мулки билан жавобгар.

2.6. Акциядорлар Банкнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайдилар ва унинг фаолияти билан боғлиқ зиёнларни ўзларига тегишли акциялар қиймати доирасида тўлайдилар.

2.7. Акциялар ҳақининг ҳаммасини тўламаган акциядорлар Банк мажбуриятлари юзасидан ўзларига тегишли акциялар қийматининг тўланмаган қисми доирасида солидар жавобгар бўладилар.

2.8. Банк ўз акциядорларининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

2.9. Банкнинг мол-мулки унга мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлиб, Банк акцияларини жойлаштиришдан тушган маблағлар, асосий фондлар ва айланма маблағлар, кўчар ва кўчмас мулклар, қимматли қоғозлар, олинган даромад, қонун ҳужжатлари билан таъқиқланмаган бошқа асосларда олинган бошқа мол-мулклардан ташкил топади.

2.10. Банк қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда юридик шахс мақомига эга бўлган шўъба ва тобе хўжалик жамиятларни ташкил этишга ҳақлидир.

2.11. Банк корхоналар, ташкилотлар ва бошқа тижорат тузилмаларини ташкил этишда ва уларнинг хўжалик фаолиятида, шу жумладан холдинг асосида ҳам ўз маблағлари билан, шу жумладан улуш қўшиш асосида қатнашиш ҳуқуқига эга.

2.12. Банк ўз фаолиятини мувофиқлаштириш, ўз манфаатларини ифода этиш ва ҳимоя қилиш ҳамда биргаликдаги дастурларни амалга ошириш мақсадида уюшмалар (иттифоқлар) ва ўзга бирлашмаларда қатнашиши мумкин.

2.13. Банк тижорат операцияларини амалга оширишга доир қарорлар қабул қилишда мустақилдир.

2.14. Банк фаолият кўрсатиш муддати чекланмаган ҳолда ташкил этилади ва ўз фаолиятини Марказий банк томонидан бериладиган лицензия асосида амалга оширади.

2.15. Банкнинг жойлашган ери (почта манзили): 100029, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Т.Шевченко кўчаси, 1-уй.

2.16. Банкнинг электрон почта манзили - info@infinbank.com

2.17. Банкнинг Веб-сайти - www.infinbank.com

3. БАНК ОПЕРАЦИЯЛАРИНИНГ РЎЙХАТИ, МАҚСАДИ ВА ФАОЛИЯТ МУДДАТИ

3.1. Банк ўз фаолиятини тижорат асосида амалга оширади ва Банкнинг фаолият мақсади фойда олишдир.

3.2. Банк операцияларни бажариш ва пул маблағларини сақлаш учун Марказий банкида вакиллик ҳисобварақларига эга. Банк бошқа банкларда вакиллик ҳисобварақларини очиши мумкин.

3.3. Банк ўз фаолиятида қуйидаги банк операцияларини амалга оширади:

а) жисмоний ва юридик шахсларнинг, шу жумладан вакил банкларнинг ҳисоб-варақларини очиш ва юритиш, ҳисоб варақлар бўйича ҳисоб-китоб қилиш;

б) омонатларни жалб этиш;

в) кредитларнинг қайтарилиши, фоизлилиги ва муддатлилиги шарти билан ўз маблағлари ва жалб этилган маблағлар ҳисобидан ўз номидан кредитлар бериш;

г) маблағ эгаси ёки маблағни тасарруф этувчи билан тузилган шартномага биноан пул маблағларини бошқариш;
д) пул маблағлари, векселлар, тўлов ва ҳисоб-китоб ҳужжатларини инкассо қилиш;
е) учинчи шахслар номидан мажбуриятларнинг бажарилишини назарда тутувчи кафолатлар бериш;
ж) учинчи шахслардан мажбуриятларнинг бажарилишини талаб қилиш ҳуқуқини олиш;
з) қимматли қоғозлар чиқариш, харид қилиш, сотиш, мижоз билан тузилган шартномага биноан қимматли қоғозларни бошқариш, қимматли қоғозлар билан бошқа операцияларни бажариш;
и) банк фаолияти юзасидан маслаҳат ва ахборот хизматини кўрсатиш;
к) жисмоний ва юридик шахсларга ҳужжатлар ва бошқа бойликларни сақлаш учун махсус бинолар ёки улар ичидаги пўлат сандиқларни ижарага бериш;
л) молиявий лизинг;
м) халқаро банк амалиётига мувофиқ, лицензияда махсус кўрсатилган бошқа операциялар.

3.4. Банк қимматли қоғозлар бозорида профессионал фаолиятни қонунчиликда белгилаб қўйилган тартибда амалга ошириш ҳуқуқига эга.

3.5. Банк бевосита ишлаб чиқариш, савдо ва суғурта фаолияти билан шуғулланишга ҳақли эмас, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

3.6. Банк юридик ва жисмоний шахсларнинг пул маблағларини жалб қилади ва уларни депозит ҳисобварақларида (талаб қилиб олингунча, жамғарма, муддатли ва бошқа турдаги депозит ҳисобварақларда) ва бошқа мажбуриятли ҳисобварақларда сақлайди.

3.7. Банкнинг мижозлар ва бошқа контрагентлар билан ўзаро муносабатлари шартнома асосида тартибга солинади.

3.8. Банк томонидан кредитлар жисмоний ва юридик шахсларга қайтаришлик, муддатлилик, таъминланганлик, тўловлилик, фоизлилик ва мақсадли фойдаланиш шартлари асосида берилади. Кредитларни бериш қарз олувчилар билан тузиладиган кредит шартномалари асосида амалга оширилади. Кредитлаш шартлари Банк томонидан белгиланади.

3.9. Банк томонидан ажратиладиган кредитлар амалдаги қонунчиликка мувофиқ ундирув қаратилиши мумкин бўлган кўчар ва кўчмас мулк гарови, кафолатлар, кафилликлар ва банк амалиётида қабул қилинган бошқа усуллар билан таъминланади. Банк мазкур таъминотларнинг етарлилигини Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг тавсия ва ўрнатган тартибларини ҳисобга олган ҳолда белгилайди.

3.10. Чет эл валютасидаги операцияларни амалга ошириш учун Марказий банк томонидан берилган лицензия ва Марказий банк томонидан белгиланган қоидалар асосида чет эл валютасидаги операцияларни амалга оширишга ҳақлидир.

3.11. Инновацион банк технологияларидан фойдаланган ҳолда (касса хизматини кўрсатмасдан) банк хизматларини масофавий кўрсатувчи рақамли банк ва унинг таркибий бўлинмасини ташкил этиш ва фаолиятни қонунчиликда белгилаб қўйилган тартибда амалга ошириш ҳуқуқига эга.

4. БАНКНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Ўз фаолиятини амалга ошириш ва олдида турган вазифаларни бажариш учун Банк қуйидаги ҳуқуқларига эгадир:
а) мижозларга кўрсатиладиган хизматлар учун воситачилик ҳақи миқдорини мустақил белгилаш;
б) шартнома асосида юридик ва жимоний шахслар томонидан берилган маблағларни депозитлар, кредитлар шаклида бошқа банклардан жалб этиш ва бошқа банкларга жойлаштириш;
в) омонатчилар ва қарз олувчилар билан келишувга мувофиқ депозитлар ва бериладиган кредитлар бўйича фоиз ставкаларини мустақил белгилаш;

г) ташкил этиладиган ҳисоб-китоб марказлари ва вакиллик ҳисобварақлари орқали ҳисоб-китобларни амалга ошириш;
д) барча солиқлар ва мажбурий тўловлар тўлаб бўлингандан кейин банк тасарруфида қоладиган соф фойда ҳисобидан захиралар ва фондларни ташкил этиш;
е) кредит ажратилаётган юридик шахс, ҳамда кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларидан ҳисоботлар, баланслар ва уларнинг тўлов қобилиятини, шунингдек берилган кредитлар таъминланганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни олиш;
ж) ўз маблағлари ёки Банк кредитлари иштирокида объектларни қуриш, техника билан қайта жиҳозлаш ва бошқа хўжалик фаолиятини амалга ошириш бўйича мўлжалланаётган лойиҳа ечимлари экспертизадан ўтказилишини талаб қилиш;
з) қарздорнинг тўловга қодир эмаслиги эътироф этилганда, у кредитни таъминлаш бўйича мажбуриятларини бажармаганда, кредитдан мақсадли фойдаланиш бўйича шартномада назарда тутилган мажбуриятлар бузилганда, ҳисоботларда нотўғри маълумотлар аниқланганда ёки бухгалтерия ҳисобида камчиликларга йўл қўйилганда, шунингдек кредит шартномада назарда тутилган бошқа ҳолларда кредитни бундан буён беришни тўхтатиш ва берилган суммаларни муддатидан олдин ундириб олиш;
и) ўз молиявий-хўжалик фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган, қонун ҳужжатларида, лицензияда ва уставда назарда тутилган бошқа ҳаракатлар ва операцияларни бажариш;
к) хомийлик ва хайрия фаолиятини амалга ошириш;
л) қонунчиликка мувофиқ, ўз ходимлари учун қўшимча иш таътиллари, қисқартирилган иш куни, иш тартиби ва бошқа ижтимоий имтиёзларни ташкил этиш.

4.2. Банкнинг мажбуриятлари:
а) Марказий банкда маблағлар захирасини яратиш ҳамда белгиланган иқтисодий нормативларга риоя этиш бўйича Марказий банк томонидан ўрнатилган талабларни бажариш;
б) Марказий банкнинг топшириғига кўра Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг касса ижросига доир операцияларни бажариш;
в) бериладиган кредитларни таъминлаш бўйича гаров, кафолат, кафиллик ва мажбуриятларнинг етарлилигини ҳисобга олувчи ички норматив тартибни ўрнатиш;
г) кредитлар ва лизинг бўйича эҳтимолий йўқотишларга қарши Марказий банк томонидан белгиланган миқдорларда ва тартибда захиралар ташкил этиш;
д) ўз мижозлари ва вакилларининг операциялари, ҳисобварақлари ҳамда жамғармаларига доир маълумотларни, шунингдек банк сирини ташкил этувчи бошқа маълумотларни сир сақлаш;
е) ўз фаолиятига доир ахборотни Марказий банк томонидан белгиланган тартибда ошкор қилишни амалга ошириш;
ж) банкда ички аудит хизматини таъминлаш.

4.3. Мижозларнинг Банкдаги ҳисобварақларида, омонатларида турган ёки сақлаш учун қўйилган пул маблағлари ҳамда бошқа қимматликлари фақат қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда ва тартибда хатланиши ёки уларга ундирув қаратилиши мумкин.

4.4. Банк сирини ташкил этувчи маълумотлар судга, суд ижрочисига, прокуратура, тергов ва суриштирув органларига, шунингдек давлат солиқ хизмати органларига ва бошқа учинчи шахсларга қатъий равишда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тақдим этилади.

4.5. Мижозлар шубҳали операцияларни амалга оширган тақдирда, пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар тўғрисидаги ахборот жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш чораларини амалга оширувчи махсус ваколатли давлат органига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тақдим этилади.

4.6. Банкнинг мансабдор шахслари ва хизматчилари банк сирини ошкор қилганлик учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

4.7. Банкнинг тижорат сири тоифасига киритилган ахборот билан Банкда ишлаш тартиби ва у билан ишлаш тартибини бузганлик учун жавобгарлик Банк Бошқаруви томонидан белгиланади.

5. БАНК УСТАВ КАПИТАЛИНИНГ МИҚДОРИ, УНИ КЎПАЙТИРИШ ВА КАМАЙТИРИШ ТАРТИБИ

5.1. Банкнинг устав капитали акциядорлар сотиб олган Банк акцияларининг номинал қийматидан ташкил топади. Банк чиқарадиган барча акцияларнинг номинал қиймати бир хил бўлиши лозим.

5.2. Банкнинг устав капитали унинг мол – мулкининг ўз кредиторлари манфаатларини кафолатлайдиган даражадаги энг кам микдорини белгилайди.

5.3. Банк устав капиталининг миқдори 400 000 000 000 (тўрт юз миллиард) сўмни ташкил қилади ҳамда номинал қиймати 1000 (бир минг) сўм бўлган 400 000 000 (тўрт юз миллион) дона эгасининг номи ёзилган ҳужжатсиз оддий жойлаштирилган акциялардан иборат.

а) Банкнинг устав капиталини кўпайтириш тартиби

5.4. Банкнинг устав капитали қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин.

5.5. Банк устав капиталини акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш ва Банк уставига тегишли ўзгартиришларни киритиш тўғрисидаги қарорлар Банкнинг кенгаши томонидан қабул қилинади.

5.6. Банк устав капиталини кўпайтиришда Банкнинг соф фойдасини капитализация қилиш (дивиденд) ҳисобига қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан амалга оширилиши мумкин.

5.7. Қўшимча акциялар Банк томонидан Банк уставида белгиланган эълон қилинган акциялар сони доирасидагина жойлаштирилиши мумкин.

5.8. Қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан Банк устав капиталини кўпайтириш ва тегишли ўзгартиришларни Банк уставига киритиш тўғрисидаги қарорлар Банкнинг кенгаши томонидан қабул қилинади.

5.9. Қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан Банк устав капиталини кўпайтириш тўғрисидаги қарорда жойлаштириладиган қўшимча оддий акцияларнинг сони, уларни жойлаштириш муддати ва шартлари белгиланган бўлиши лозим.

5.10. Банкнинг устав капиталини қўшимча акциялар жойлаштириш йўли билан кўпайтириш жойлаштирилган қўшимча акцияларнинг номинал қиймати миқдорида қайд этилади. Бунда, эълон қилинган муайян тоифа ва турдаги акцияларнинг миқдори жойлаштирилган ана шу тоифа ва турлардаги акцияларнинг сонига қисқартирилиши керак.

5.11. Банкнинг устав капиталини қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш жалб қилинган инвестициялар, Банкнинг ўз капитали ва ҳисобланган дивидендлар ҳисобидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилиши мумкин.

б) Банкнинг устав капиталини камайтириш тартиби

5.12. Банкнинг устав капитали акцияларнинг номинал қийматини ёки уларнинг умумий сонини қисқартириш йўли билан, шу жумладан акцияларнинг бир қисмини банкнинг ўзи кейинчалик бекор қилган ҳолда Банк томонидан акцияларни сотиб олиш йўли билан камайтирилиши мумкин.

5.13. Банкнинг устав капиталини акцияларнинг бир қисмини олиш ва бекор қилиш йўли билан камайтиришга йўл қўйилади.

5.14. Агар устав капитали камайтирилиши натижасида унинг ҳажми Банк уставидаги тегишли ўзгаришларни қайд қилиш санасида аниқланадиган, Марказий банк

томонидан белгиланган устав капиталининг энг кам миқдоридан камайиб кетса, Банк устав капитали миқдорини камайтиришга ҳақли эмас.

5.15. Устав капиталини камайтириш ва Банк уставига тегишли ўзгартиришлар киритиш ҳақидаги қарорлар Банк акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

5.16. Устав капиталини камайтириш тўғрисида қарор қабул қилинган вақтда акциядорларнинг умумий йиғилиши устав капиталини камайтириш сабабларини кўрсатади ва уни камайтириш тартибини белгилайди.

5.17. Устав капиталини камайтириш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан бошлаб Банк кечи билан ўттиз кун ичида бу қарор хусусида ўз кредиторларини ёзма равишда хабардор қилади. Кредиторлар Банкнинг устав капиталини камайтириш тўғрисида ўзларига хабарнома юборилган санадан эътиборан кечи билан ўттиз кун ичида Банкдан ўз мажбуриятларини муддатидан олдин ижро этишни ва устав капитали камайтирилиши билан боғлиқ зарарларни ўрнини қоплашни талаб қилишга ҳақли.

6. БАНК АКЦИЯЛАРИНИНГ ТУРЛАРИ ВА СОНИ, НОМИНАЛ ҚИЙМАТИ, АКЦИЯЛАРНИ ЖОЙЛАШТИРИШ ТАРТИБИ ВА ШАРТЛАРИ ҲАМДА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН АКЦИЯЛАР

6.1. Банкнинг акциялари эгасининг номи ёзилган эмиссиявий қимматли қоғозлар бўлиб, улар турига кўра оддий акциялардир. Акциялар мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқ асосида қайси юридик ёки жисмоний шахсга тегишли бўлса, ўша юридик ёхуд жисмоний шахс акциянинг эгаси – Банк акциядори деб эътироф этилади.

6.2. Банкнинг оддий акциялари овоз берувчи бўлиб, уларнинг эгасига дивидендлар олиш, акциядорларнинг умумий йиғилишларида ва Банкни бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқини беради.

6.3. Банк акциясининг номинал қиймати 1 000 (бир минг) сўм.

6.4. Банк оддий ва имтиёзли акцияларни чиқариш ва уларни жойлаштиришга ҳақлидир.

6.5. Банкнинг акцияларини ва акцияларга айирбошланадиган қимматли қоғозларини жойлаштириш очиқ ёки ёпиқ обуна йўли билан амалга оширилиши мумкин.

6.6. Акцияларнинг очиқ обунаси фақат қимматли қоғозларнинг биржа бозорида ва уюшган биржадан ташқари бозорида ўтказилади.

6.7. Банк акциялари қимматли қоғозларнинг биржа бозорида ва уюшган биржадан ташқари бозорида жойлаштирилган тақдирда уларнинг чиқарилиши, агар жойлаштириш ҳажми мазкур чиқарилишдаги акциялар ва бошқа эмиссиявий қимматли қоғозлар умумий миқдорининг камида ўттиз фоизини ташкил этса, амалга ошган деб эътироф этилади.

6.8. Банкнинг қимматли қоғозлари очиқ обуна йўли билан жойлаштирилган тақдирда бир инвесторнинг (инвесторларнинг) бошқаси (бошқалари) олдидаги устунлигини белгилаш тақиқланади, қуйидаги ҳолатлар бундан мустасно:

а) Банк акциядорларига қўшимча чиқарилган акцияларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда уларга тегишли акциялар сонига мутаносиб равишда имтиёзли олиш ҳуқуқи тақдим этилганида;

б) Банк томонидан норезидентларга нисбатан қимматли қоғозларни олишга чекловлар қўйилганида;

в) Банк томонидан облигацияларни шахслар (жисмоний ёки юридик шахслар) доирасини белгилаш орқали олишга чекловлар қўйилганида.

6.9. Банк акцияларини сотиб олиш учун қуйидаги шахслар Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг олдиндан рухсатини олишлари шарт:

а) Ўзбекистон Республикаси норезидентлари;

б) эллик фоиздан ортиқ акциялари (иштирокчилар бадаллари) Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг эгалигида, фойдаланувида ва(ёки) тасарруфида бўлган Ўзбекистон Республикаси резидентлари - юридик шахслари.

6.10. Қуйидаги шахслар Банк акциядорлари бўла олмайдилар:

а) оффшор ҳудудларда рўйхатга олинган норезидент юридик шахслар;
б) оффшор ҳудудларда истиқомат қиладиган чет эл фуқаролари;
в) Давлат бошқарув органлари, маҳаллий Давлат ҳокимияти органлари, жамоат бирлашмалари ва диний ташкилотлар, жамоат фондлари, халқаро нодавлат нотижорат ташкилотлари, бюджетдан ташқари жамғармалар.

6.11. Банк акциядорларининг сони чегараланмаган.

6.12. Банк ўзи чиқарган акциялар бўйича уларни қайтариб сотиб олиш шарти билан битимлар тузишга, шунингдек ўзи чиқарган акцияларни ишончли бошқарувга беришга ҳақли эмас.

6.13. Банк устав капиталини кўпайтириш мақсадида, жойлаштирилган акцияларига қўшимча равишда жойлаштиришга ҳақли бўлган эълон қилинган акцияларининг миқдори номинал қиймати 1000 (бир минг) сўм бўлган 120 000 000 (бир юз йигирма миллион) дона умумий қиймати 120 000 000 000 (бир юз йигирма миллиард) сўмлик оддий, ҳужжатсиз, эгасининг номи ёзилган акциялардан иборат.

7. БАНК АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

7.1. Банк акциядорларининг ҳуқуқлари қуйидагилардан иборат:
а) Банкнинг акциядорлари реестрига киритилиш;
б) Ўзига тааллуқли депо ҳисобварағидан кўчирма олиш;
в) Банк фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олиш;
г) Банк тугатилган тақдирда ўзларига тегишли улушга мувофиқ мол-мулкнинг бир қисмини олиш;
д) акциядорларнинг умумий йиғилишларида овоз бериш орқали Банкни бошқаришда иштирок этиш;
е) Банкнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборотни белгиланган тартибда олиш;
ж) олган дивидендини эркин тасарруф этиш;
з) қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;
и) ўзига етказилган зарарнинг ўрни қопланишини белгиланган тартибда талаб қилиш;
к) ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида уюшмалар ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларига бирлашиш;
л) қимматли қоғозларни олишда зарар кўриш, шу жумладан бой берилган фойда эҳтимоли билан боғлиқ таваккалчиликларни суғурта қилиш;
м) Банк акциялари берадиган ҳуқуқларни (ҳуқуқларнинг бир қисмини) қонунчиликда белгиланган тартибда ишончнома асосида ўз вакилига (вакилларига) бериш;
н) Банк томонидан кўрсатилаётган хизматлар ва уларнинг нархномалари тўғрисида ахборот олиш
о) Акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган, ҳақи пул маблағлари билан тўланадиган эмиссиявий қимматли қоғозларни жойлаштиришда овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар уларни ўзига тегишли шу турдаги акциялар миқдорига мутаносиб миқдорда имтиёзли олиш ҳуқуқига эга;
п) Бир фоиздан кам бўлмаган оддий акциялари эгалари кузатув кенгаши мажлисини чақиришни талаб қилиш ва кун тартиби, фойдани тақсимлаш, бошқарув ва назорат органи аъзолигига уларнинг номзодини (умумий йиғилиш ўтказилгунга қадар алмаштириш имконияти билан) кўрсатиш юзасидан таклиф киритиш ҳуқуқига эга.

7.2. Акциядорлар мазкур уставда ва қонунчиликда назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўладилар. Ҳар бир оддий акция эгаси ҳисобланган акциядорга бир хил ҳуқуқлар берилади.

7.3. Банкнинг акциядорлари ўзга акциядорларнинг розилигисиз ўзига тегишли акцияларни учинчи шахсларга бегоналаштириш билан боғлиқ битимларни амалга ошириш ҳуқуқига эга.

7.4. Оддий акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар ушбу уставга мувофиқ акциядорлар умумий йиғилишида мазкур йиғилиш ваколатига кирадиган барча масалалар бўйича овоз бериш ҳуқуқи билан иштирок этиши мумкин, шунингдек дивидендлар олиш, Банк тугатилган тақдирда эса, Банк мол-мулкининг бир қисмини олиш ҳуқуқини беради.

7.5. Акцияларга бўлган ҳуқуқлар акцияларни олувчига унинг депо ҳисобварағига тегишли кирим ёзуви белгиланган тартибда киритилган пайтдан эътиборан ўтади ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда инвестиция воситачиси томонидан бериладиган депо ҳисобварағидан кўчирма билан тасдиқланади.

7.6. Акция билан тасдиқланадиган ҳуқуқлар уларнинг олувчисига ушбу қимматли қоғозга бўлган ҳуқуқлар ўтган пайтдан эътиборан ўтади.

7.7. Акциянинг ҳақи тўлиқ тўлангунга ва унинг янги эгаси акциядорлар реестрида рўйхатга олингунга қадар акция овоз ҳуқуқини бермайди.

7.8. Банк томонидан акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган, ҳақи пул маблағлари билан тўланадиган эмиссиявий қимматли қоғозларни жойлаштиришда овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар уларни имтиёзли равишда олиш ҳуқуқига эга. Акциядор, шу жумладан акциядорларнинг умумий йиғилишида қарши овоз берган ёхуд унда иштирок этмаган акциядор акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган эмиссиявий қимматли қоғозларни ўзига тегишли шу турдаги акциялар миқдорига мутаносиб миқдорда имтиёзли олиш ҳуқуқига (бундан буён матнда имтиёзли ҳуқуқ деб юритилади) эга.

7.9. Акцияларни имтиёзли сотиб олиш хуқуқининг амал қилиш муддати билдириш эълон қилинган пайтдан эътиборан ўн кундан кам ва ўттиз кундан кўп бўлиши мумкин эмас.

7.10. Имтиёзли ҳуқуқдан бошқа шахс фойдасига воз кечишга йўл қўйилмайди.

7.11. Акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган эмиссиявий қимматли қоғозларни имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқи амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

7.12. Банк акциядорларининг мажбуриятлари:

а) мазкур уставда кўрсатилган тартибда, миқдор ва усулларда акцияларнинг нархини тўлашга;

б) мазкур уставда назарда тутилган чегараларда, Банк бошқарув органларининг қарорларига бўйсунишга;

в) Банк ва унинг фаолияти тўғрисидаги хизмат, тижорат сирини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирларни ташкил этувчи ахборотларни ошкор қилмасликка;

г) миноритар акциядорлар асоссиз равишда ҳужжатлар талаб қилиш, конфиденциал маълумотлар ва банкнинг тижорат сирларидан фойдаланиш орқали Банк бошқаруви органлари фаолиятига ҳалал бермасликлари керак.

7.13. акциядорлар мазкур уставда ва қонунчиликда назарда тутилган бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўладилар.

8. БАНК СОФ ФОЙДАСИНИ, ДИВИДЕНДЛАРИНИ ТАҚСИМЛАШ ВА ЗАРАРЛАРНИ ҚОПЛАШ ТАРТИБИ

8.1. Амалдаги қонунчиликка асосан бюджетга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўланганидан сўнг, Банк фондларига ажратмалар бажарилади. Тақсимланмаган фойда Банк акциядорлари умумий йиғилиши томонидан белгиланган тартибда ишлатилади.

8.2. Дивидендлар Банк тасарруфида қоладиган соф фойдадан ва (ёки) ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдасидан тўланади.

8.3. Дивиденд Банк соф фойдасининг акциядорлар ўртасида тақсимланадиган қисмидир.

8.4. Банк акцияларнинг ҳар бир тури бўйича эълон қилинган дивидендларни тўлаши шарт.

8.5. Дивиденд акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра пул маблағлари ёки бошқа қонуний тўлов воситалари ёхуд Банкнинг қимматли қоғозлари билан тўланиши мумкин. Дивиденд акциядорлар ўртасида уларга тегишли акцияларнинг сони ва турига мутаносиб равишда тақсимланади.

8.6. Банк молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги, тўққиз ойи натижаларига кўра ва (ёки) молиявий йил натижаларига кўра жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.

8.7. Банкнинг молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги ва тўққиз ойи натижаларига кўра дивидендлар (оралиқ дивидендлар) тўлаш тўғрисидаги қарори тегишли давр тугагандан кейин уч ой ичида қабул қилиниши мумкин.

8.8. Акцияларнинг ҳар бир тури бўйича дивидендлар тўлаш, дивиденднинг миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби тўғрисидаги қарор Банк кенгашининг тавсияси, молиявий ҳисоботнинг ишончлилиги ҳақида аудиторлик хулосаси мавжуд бўлган тақдирда, молиявий ҳисобот маълумотлари асосида акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади. Дивидендларнинг миқдори Банк кенгаши томонидан тавсия этилган миқдордан кўп бўлиши мумкин эмас. Акциядорларнинг умумий йиғилиши акцияларнинг муайян турлари бўйича дивидендлар тўламаслик тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.

8.9. Агар дивидендлар тўлаш оқибатида Банкнинг молия-хўжалик аҳволи жиддий тарзда ёмонлашадиган бўлса, дивидендлар тўлаш таъқиқланади.

8.10. Дивидендлар тўлаш муддати ва тартиби Банк акциядорларининг умумий йиғилиши қарори билан белгиланади. Дивидендлар тўлаш муддати шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан олтмиш кундан кеч бўлмаслиги лозим.

8.11. Эгаси ёки унинг қонуний ҳуқуқий вориси ёхуд меросхўри уч йил ичида талаб қилиб олмаган дивиденд акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига биноан Банк ихтиёрида қолади.

8.12. Дивидендларни эълон қилиш тўғрисида қарор қабул қилинган акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун шакллантирилган Банк акциядорлари реестрида қайд этилган акциядорлар дивиденд олиш ҳуқуқига эга.

8.13. Банк қуйидаги ҳолларда дивиденд тўлаш (эълон қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга эмас:

а) бутун устав капиталини тўлиқ шакллантирмаган ҳолда (акцияларни қўшимча эмиссия қилиш йўли билан устав капиталини кўпайтириш бундан мустасно);

б) дивидендлар тўлаш пайтида банк банкротлик аломатларига эга бўлса ёки кўрсатилган аломатлар банкда дивидендлар тўлаш натижасида пайдо бўлса;

в) банк соф активлари қиймати унинг устав ва захира капитали суммасидан кам бўлса;

г) Марказий банк томонидан белгиланган иқтисодий нормативларни бузиш, шунингдек агар дивидендлар тўлаш натижасида иқтисодий нормативлар бузилиб, бунинг оқибатида омонатчилар ва кредиторлар манфаатларига жиддий хавф туғилиши мумкин бўлса;

д) банкка нисбатан Марказий банкнинг дивидендлар тўлашни тўхтатиш тўғрисида талаби мавжуд бўлса.

8.14. Банк дивидендлар миқдорини улардан ундириладиган солиқларни инобатга олмаган ҳолда эълон қилади. Банк тўланадиган дивидендлар миқдори тўғрисидаги маълумотларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартиб ва муддатда оммавий аҳборот воситаларида шу жумладан Банкнинг расмий веб-сайтларида эълон қилади.

8.15. Дивидендларни тўлаш тартиби ва меъёрлари Банк акциядорларининг умумий йиғилиши қарори билан белгиланади.

8.16. Банк фаолиятида юз бериши мумкин бўлган зарарлар, банк фойдаси ҳисобидан шакллантириладиган қонун ҳужжатларига кўзда тутилган заҳиралар ва заҳира фонди ҳисобидан қопланади.

9. БАНКНИНГ ЎЗ МАБЛАҒЛАРИ ВА КРЕДИТ РЕСУРСЛАРИ, ЗАХИРА ФОНДИ ВА БОШҚА ФОНДЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

9.1. Банкнинг ўз маблағлари қуйидагилардан ташкил этилади:

- Устав капитали;
- Қўшилган капитал;

- Захира фондлари;
- Тақсимланмаган фойда;
- Фойда ҳисобидан ташкил этиладиган бошқа фондлар;
- Банк фаолияти учун зарур бўлган, бошқа даромадлар ҳисобидан ташкил этиладиган ва амалдаги қонунчиликка зид бўлмаган бошқа фондлар;
- Қонун ҳужжатлари билан белгиланган бошқа маблағлар.

9.2. Бошқа маблағлар мавжуд бўлмаган тақдирда Банкнинг захира фонди кўрилган зарарни қоплаш, Банк корпоратив облигацияларини муомаладан чиқариш, имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўлаш ва қонунчиликка мувофиқ акцияларни сотиб олишни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларнинг талабига биноан акцияларни сотиб олиш учун фойдаланиланади.

9.3. Захира фондидан бошқа мақсадларда фойдаланиш мумкин эмас.

9.4. Банк фондларини ташкил этиш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомлар Банк кенгаши томонидан тасдиқланади.

9.5. Банк устав капиталининг 15 (ўн беш) фоизидан кам бўлмаган миқдорда захира фонди тузилади.

9.6. Банк захира фондига ушбу уставнинг 9.5. бандида белгиланган миқдорга етгунига қадар ҳар йили соф фойдадан 5 (беш) фоиз миқдорда ажратмалар ўтказади.

9.7. Захира фонди тўлалигича ёки қисман сарфланиб ўлган ҳолларида, мажбурий ажратмалардан тикланади.

9.8. Банк соф активларининг қиймати бухгалтерия ҳисоб-китоб маълумотлари бўйича белгиланган тартибда баҳоланади.

9.9. Банкнинг кредит ресурслари қуйидагилар ҳисобига шаклланади:

а) Банкнинг ўз маблағлари (сотиб олинган асосий воситалар қиймати, бошқа юридик шахслар устав капиталида иштирок улушига қилинган қўйилмалар ва ўзга иммобилизация қилинган маблағлардан ташқари);
б) юридик шахсларнинг Банк ҳисобварақларидаги маблағлари;
в) фуқароларнинг муайян муддатга ва талаб қилиб олингунча жалб қилинган омонатлари;
г) бошқа банкларнинг депозитлари ва кредитлари;
д) имзоланган битимлар ва шартномаларга мувофиқ жалб қилинадиган чет эл давлатларнинг корхоналари ва банклари маблағлари;
е) облигациялар ва бошқа қимматли қоғозлар чиқариш натижасида олинган маблағлар;
ж) Банк томонидан жалб қилинган бошқа маблағлар;
з) Банкнинг молия йили мобайнида тақсимланмаган фойдасидан кредит ресурслари сифатида фойдаланилиши мумкин.

10. БАНКНИНГ БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ

10.1. Банк бошқарув органлари тузилмаси қуйидагилардан иборат:
- Акциядорларнинг Умумий йиғилиши;
- Банк Кенгаши;
- Ижроия органи (Бошқарув).

11. БАНК АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ

11.1. Акциядорларнинг умумий йиғилиши банкнинг юқори бошқарув органидир.

11.2. Банк акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши ҳар йили молия йили тугаганидан кейин олти ойдан кечиктирмай ўтказилади. Банк акциядорларининг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши одатда ҳар йили 15 апрелдан 30 июнгача бўлган давр оралиғида ўтказилади.

11.3. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида Банк кенгаши ва тафтиш комиссиясини сайлаш тўғрисидаги, банк Бошқаруви раиси ва Бошқарув аъзолари билан тузилган шартноманинг муддатини узайтириш, уни қайта тузиш ёки бекор

қилиш мумкинлиги ҳақидаги масалалар ҳал этилади, шунингдек қонунчиликда белгиланган тартибда банкнинг йиллик ҳисоботини тасдиқлаш, банкнинг фойда ва зарарларини тақсимлаш масалалари ва бошқа масалалар кўриб чиқилади.

11.4. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидан ташқари ўтказиладиган умумий йиғилишлари навбатдан ташқари йиғилиш ҳисобланади.

11.5. Акциядорларнинг умумий йиғилишини Банк кенгашининг раиси, у бошқа сабабларга кўра бўлмаган тақдирда эса, Банк кенгашининг аъзоларидан бири олиб боради.

11.6. Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана ва уни ўтказиш тартиби, йиғилиш ўтказилиши ҳақида акциядорларга хабар бериш тартиби, акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик вақтида акциядорларга бериладиган материаллар (ахборотлар) рўйхатини Банк кенгаши белгилайди.

11.7. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:

а) Банк уставига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ёки Банкнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш;

б) Банкни қайта ташкил этиш;

в) Банкни тугатиш, тугатувчини (тугатиш комиссиясини) тайинлаш ҳамда оралиқ ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;

г) Банкнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш;

д) Банк кенгашининг сон таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш. Банк кенгаши аъзоларига тўланадиган мукофот ва компенсация миқдорини белгилаш;

е) эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;

ж) Банкнинг устав капиталини камайтириш;

з) ўз акцияларини қайтариб сотиб олиш;

и) Банк тафтиш комиссиясининг аъзоларини сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, шунингдек тафтиш комиссияси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш. Тафтиш комиссияси аъзоларига тўланадиган мукофот ва компенсациялар миқдорини белгилаш;

к) Банкнинг йиллик ҳисоботини тасдиқлаш, унинг фойдаси ва зарарларини тақсимлаш;

л) Банкни ривожлантириш стратегиясига эришишда кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги Банк кенгашининг йиллик ҳисоботини эшитиш;

м) Банк кенгашининг ва тафтиш комиссиясининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан банкни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан Банк кенгашининг ҳисоботларини ва тафтиш комиссияси хулосаларини эшитиш;

н) акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган эмиссиявий қимматли қоғозларни сотиб олишда акциядорнинг имтиёзли ҳуқуқини қўлламаслик тўғрисида қарорни қабул қилиш;

о) акциядорлар умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш;

п) акцияларни майдалаш ва йириклаштириш;

р) қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда йирик битимлар тузиш хақида қарор қабул қилиш;

с) қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда банкнинг аффилланган шахслари билан битимлар тузиш хақида қарор қабул қилиш;

т) дивидендлар тўлаш тўғрисида қарорни қабул қилиш, уларнинг миқдори ва акцияларнинг ҳар бир тоифаси ва тури бўйича тўлов шакли ва тартибини белгилаш;

у) Банкнинг йиллик ҳисоботини, шунингдек Банк фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсадидан келиб чиққан ҳолда Банкни ўрта муддатга ва узоқ муддатга ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегиясини тасдиқлаш;

ф) Мазкур уставнинг 11.7. бандидаги а), б), в), е), м), р), с) қисмларида кўрсатилган масалалар бўйича қарорлар, акциядорлар умумий йиғилиши томонидан акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этаётган овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлмиш акциядорларнинг тўртдан уч қисмидан иборат кўпчилик овози билан қабул қилинади;

х) Ижроия органининг аффилланган шахслар билан битимлар ва йирик битимларни мустақил амалга ошириши учун Банкнинг жорий хўжалик фаолияти билан боғлиқ битимларни аниқлаш;

ц) Қонун ҳужжатларида белгиланган доирада ҳомийлик (хайрия) ёки беғараз ёрдам кўрсатиш (олиш) миқдорини белгилаш;

ч) мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини белгилаш, ушбу ташкилотнинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;

ш) амалдаги қонунчилик ва мазкур уставда кўзда тутилган бошқа масалаларни ҳал этиш.

11.8. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар ҳал қилиш учун Банк ижроия органига берилиши мумкин эмас.

11.9. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар Банк Кенгаши томонидан ҳал этилмайди, амалдаги қонунчилик ва мазкур уставга мувофиқ Банк устав капиталини кўпайтириш билан боғлиқ ўзгартиришлар ва қўшимчаларни Банк уставига киритиш тўғрисидаги масалани ҳал этиш бундан мустасно.

11.10. Овозга қўйилган масала бўйича акциядорлар умумий йиғилишининг қарори, агар Қонун ҳужжатларида бошқача қоида белгиланмаган бўлса, йиғилишда иштирок этаётган Банк овоз берувчи акциялари эгаси бўлмиш акциядорларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

11.11. Акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибига киритилмаган масалалар бўйича қарор қабул қилишга, шунингдек кун тартибига ўзгартиришлар киритишга ҳақли эмас.

11.12. Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорлар, шунингдек овоз бериш якунлари амалдаги қонунчиликда ва ушбу уставда назарда тутилган тартибда, ана шу қарорлар қабул қилинган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай акциядорлар эътиборига етказилади.

11.13. Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган расмий эълон қилинган санадан уч иш кун олдин шакллантирилган Банк акциядорлари реестрида қайд этилган акциядорлар эга бўлади.

11.14. Банк акциядорларининг шакллантирилган реестрига ўзгартиришлар мазкур реестр тузилган санада унга киритилмай қолган шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланган ёки реестрни тузишда йўл қўйилган хатолар тузатилган тақдирдагина қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда киритилиши мумкин.

11.15. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабар акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида йигирма бир кундан кечиктирмай, лекин узоғи билан ўттиз кун олдин, Банкни қайта ташкил этиш масаласи кўрилган ҳолда йиғилиш ўтказилишидан ўттиз кун олдин Корпоратив ахборот ягона порталида, Банкнинг расмий веб-сайтида, оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади, шунингдек акциядорларга электрон почта орқали юборилади.

11.16. Банк акциядорга билдиришномани мустақил равишда ёхуд банк ва қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчиси ўртасида тегишли хизматлар кўрсатилиши учун тузиладиган шартномага мувофиқ қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчиси орқали юборишга ҳақли.

11.17. Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана уни ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан йигирма тўрт кундан кам ва ўттиз кундан кўп этиб белгиланиши мумкин эмас.

11.18. Банк овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядорлар (акциядор) банкнинг молия йили тугаганидан кейин 90 (тўқсон) кундан

кечиктирмай акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартибига масалалар ва соф фойдани тақсимлаш юзасидан таклифлар киритишга ҳамда банк Кузатув кенгаши ва тафтиш комиссиясига бу органнинг миқдор таркибидан ошмайдиган тарзда номзодлар кўрсатишга ҳақли.

11.19. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши Банк кенгашининг қарорига кўра унинг ўз ташаббуси асосида, тафтиш комиссиясининг ёзма талаби, шунингдек ёзма талаб тақдим этилган санада Банк овоз берувчи акцияларининг камида 5 (беш) фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг ёзма талаби асосида ўтказилади.

11.20. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказилишини талаб қилаётган акциядорларга тегишли овоз берувчи акциялар улуши бундай талабни кўрсатиш санасида аниқланади.

11.21. Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқи акциядор томонидан шахсан ёки унинг вакили орқали амалга оширилади. Акциядор акциядорларнинг умумий йиғилишидаги ўз вакилини исталган вақтда алмаштиришга ёки йиғилишда шахсан ўзи иштирок этишга ҳақлидир.

11.22. Агар акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтда Банкнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами эллик фоизидан кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатли (кворумга эга) бўлади. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун кворум бўлмаса, акциядорларнинг такрорий умумий йиғилишини ўтказиш санаси эълон қилинади. Акциядорларнинг такрорий умумий йиғилишини ўтказишда кун тартибини ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Агар акциядорларнинг ўтказилмай қолган йиғилиши ўрнига чақирилган такрорий умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтда Банкнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами қирқ фоизидан кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг такрорий умумий йиғилиши ваколатли бўлади.

11.23. Кворум бўлмаганлиги сабабли акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш санаси йигирма кундан кам муддатга кўчирилган тақдирда, умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар ўтказилмай қолган умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларнинг реестрига мувофиқ аниқланади.

11.24. Акциядорлар умумий йиғилишининг баённомаси акциядорларнинг умумий йиғилиши ёпилганидан кейин ўн кундан кечиктирмай икки нусхада тузилади. Ҳар иккала нусха ҳам умумий йиғилишда раислик қилувчи ва умумий йиғилиш котиби томонидан имзоланади.

11.25. Акциядорлар умумий йиғилишини ташкиллаштириш ва ўтказиш билан боғлиқ бошқа масалалар амалдагии қонунчилик билан тартибга солинади ва Банкнинг "Акциядорлар умумий йиғилиши тўғрисида"ги Низом билан белгиланади.

12. БАНК КЕНГАШИ

12.1. Банк кенгаши Банк фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, қонунчилик ва Банк уставига асосан Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалаларни ҳал этиш бундан мустасно.

12.2. Банк кенгаши ўз ишини амалдаги қонунчилик, ушбу устав ва Акциядорлар умумий йигилиши томонидан тасдиқланган "Банк кенгаши тўғрисида"ги Низом асосида амалга оширади.

12.3. Банк кенгашининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:

а) Банкни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида Банк бошқарувининг ҳисоботини мунтазам равишда эшитиб борган ҳолда Банк фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;

б) Банк акциядорларининг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чақириш, амалдаги қонунчиликда назарда тутилган холлар бундан мустасно;

в) акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибини тайёрлаш;

г) акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш;

д) акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун Банк акциядорлари реестрини шакллантириш санасини белгилаш;

е) аудиторлик текшируви ўтказиш (мажбурий аудиторлик текшируви бундан мустасно) тўғрисида, аудиторлик ташкилотини белгилаш, унинг хизматларига тўланадиган ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;

ж) Акцияларнинг эълон қилинган акцияларнинг сони ва турлари доирасида қўшимча акцияларни жойлаштириш орқали Банк устав капиталини кўпайтириш ва Банк уставига тегишли ўзгартиришларни киритиш тўғрисидаги қарорларни қабул қилиш;

з) Акциялар чиқарилиши (янги/қўшимча) тўғрисидаги қарорни ва рисола матнини тасдиқлаш ҳамда аввал рўйҳатдан ўтказилган қимматли қоғозлар чиқарилишларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

и) Банк томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида ва корпоратив облигацияларни қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;

к) Акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини белгилаш;

л) Банк томонидан депозит сертификатлар ва бошқа қарз мажбуриятларини чиқариш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;

м) қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

н) мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;

о) Банкнинг йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш. Бунда Банкнинг келгуси йилга мўлжалланган бизнес-режаси жорий йилнинг 1 декабридан кечиктирмай тасдиқланиши лозим;

п) Банкнинг ички аудит хизматини ташкил этиш, унинг ходимларини тайинлаш ва ички аудит ҳизмати тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш, шунингдек ҳар чоракда унинг ҳисоботини эшитиб бориш;

р) Банк тафтиш комиссияси аъзоларига тўланадиган ҳақ ва компенсация миқдори юзасидан тавсиялар бериш;

с) Банкнинг ижроия органини тузиш, Банк бошқарув раиси ва бошқарув аъзоларини тайинлаш (Банк бошқаруви раисининг номзоди акциядолар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланади), уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

т) Банкнинг бошқарув раиси, бошқарув аъзолари ва муҳим аҳамиятга эга ходимларига тўланадиган компенсациялар ва рағбатлантириш тартиб ва миқдорини белгилаш;

у) Банкнинг ижроия органи фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатдан эркин фойдаланиш ва ижроия органидан Банк кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун уларни олиш. Олинган ҳужжатлардан Банк кенгаши ва унинг аъзолари фақат хизмат мақсадларида фойдаланишлари мумкин;

ф) акциялар бўйича дивидендлар миқдори ва уларни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;

х) Банкнинг захира ва бошқа фондларидан фойдаланиш;

ц) Банкнинг филиалларини ҳамда ваколатхоналарини ташкил этиш, очиш ва тугатиш;

ч) Банкнинг акциядорлик жамияти ёки масъулияти чекланган жамият шаклидаги шўъба ва тобе хўжалик жамиятларини ташкил этиш;

ш) Жами суммаси банкни биринчи даражали капиталининг 5 (беш) фоиздан ошадиган йирик битимларни тузиш ҳақида қарорлар қабул қилиш. Йирик битим тузиш масаласи бўйича Банк кенгашининг якдиллигига эришилмаган тақдирда йирик битим тузиш тўғрисидаги масала Банк кенгашининг қарорига кўра, акциядорларнинг умумий йиғилишига ҳал қилиш учун олиб чиқилиши мумкин;

э) Қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда Банкнинг аффилланган шахслари билан битимлар тузиш хақида қарор қабул қилиш;

ю) Банкнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузиш;

я) Акциядорларнинг умумий йиғилиши ва қонун ҳужжатларида белгиланган доирада ҳомийлик (хайрия) ёки беғараз ёрдам кўрсатиш (олиш) тартибини ва шартларини белгилаш;

аа) Банк кенгаши қошида Банк кенгаши, ижроия органлари аъзолари, Банк ходимлари ва жалб этилган экспертлар (тегишли соҳа мутахассислари, соҳа олий таълим муассасалари ўқитувчилари ва бошқалар)дан иборат тегишли масалалар, шу жумладан, низоли вазиятларни аниқлаш ва ҳал этиш бўйича қўмиталар (ишчи гуруҳлари) ташкил этиш;

аб) Ушбу устав ва амалдаги қонунчиликка мувофиқ Банк кенгаши ваколатларига киритилган бошқа масалаларни ҳам ҳал этиш.

12.4. Банк кенгашининг ваколатларига киритилган масалалар ҳал қилиш учун Банк Ижроия органига ўтказилиши мумкин эмас.

12.5. Банк кенгашининг аъзолари амалдаги қонунчилик ва мазкур устав асосида акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан бир йиллик муддатга сайланадилар. Банк кенгаши 5 (беш) кишидан иборат таркибда сайланади.

12.6. Банк кенгаши таркибига сайланган шахсларнинг қайта сайланишлари чекланмайди.

12.7. Банк коллегиал асосидаги ижроия органининг (Бошқарув) аъзолари Банк кенгашига сайланишлари, тайинланишлари мумкин эмас.

12.8. Банкда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар Банк кенгашининг аъзолари бўлиши мумкин эмас.

12.9. Банк кенгаши таркибига сайланадиган шахсларга нисбатан қўйиладиган талаблар акциядорлар умумий йиғилишида тасдиқланган “Банк кенгаши тўғрисида”ги Низомида белгилаб қўйилади.

12.10. Банк кенгаши аъзолари сайлови кумулятив овоз бериш орқали амалга оширилади.

12.11. Кумулятив овоз беришда ҳар бир акциядорга тегишли овозлар сони Банк кенгашига сайланиши лозим бўлган шахслар сонига кўпайтирилади ва акциядор шу тариқа олинган овозларни битта номзодга тўлиқ беришга ёки уларни икки ва ундан ортиқ номзодлар ўртасида тақсимлашга ҳақлидир. Энг кўп овоз тўплаган номзодлар Банк кенгаши таркибига сайланган деб ҳисобланади

12.12. Банк кенгашининг раиси, Банк кенгаши аъзолари умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан, ушбу кенгаш таркибидан Банк кенгаши аъзолари томонидан сайланади.

12.13. Банк кенгаши ўз раисини жами аъзоларининг кўпчилик овози билан қайта сайлашга ҳақлидир.

12.14. Банк кенгашининг раиси унинг ишини ташкил этади, Банк кенгаши мажлисларини чақиради ва уларда раислик қилади, мажлисда баённома юритилишини ташкил этади ва акциядорлар умумий йиғилишларида раислик қилади.

12.15. Банк кенгаши раиси йўқ бўлган ҳолларда унинг вазифасини Банк кенгаши аъзоларидан бири бажариб туради.

12.16. Банк кенгаши мажлислари унинг раиси томонидан ҳар чоракда камида бир марта чақирилади. Банк кенгашининг навбатдан ташқари мажлислари Банк кенгаши раисининг ташаббуси билан ёки қуйидагилар талабига кўра чақирилади:

а) Банк кенгаши аъзоларининг;

б) Тафтиш комиссиясининг;

в) Банк Бошқарув раиси ва аъзоларининг;

г) Ички аудит хизмати бошлиғининг;

д) амалдаги қонунчиликда ва мазкур уставда кўрсатилган бошқа ҳолларда.

12.17. Банк кенгашининг қарори Банк кенгашига сайланган аъзоларнинг камида етмиш беш фоизи иштирок этганида қонуний ҳисобланади.

12.18. Банк кенгашининг мажлисидаги қарорлар мажлисда ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади, агар мазкур уставда ва қонунчиликда бошқа қоида назарда тутилмаган бўлса.

12.19. Банк кенгаши аъзоларининг сони ушбу уставнинг 12.5.-бандида назарда тутилган миқдорнинг етмиш беш фоизидан кам бўлган тақдирда, Банк кенгашининг янги таркибини сайлаш учун акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши чақирилиши шарт. Кенгашнинг қолган аъзолари акциядорларнинг бундай навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилишга, шунингдек Банк ижроия органи раҳбарининг ваколатлари муддатидан илгари тугатилган тақдирда, унинг вазифасини вақтинча бажарувчини тайинлашга ҳақлидир.

12.20. Банк кенгаши мажлисида масалалар ҳал этилаётганда Банк кенгашининг ҳар бир аъзоси битта овозга эга.

12.21. Банк кенгашининг бир аъзоси ўз овозини Банк кенгашининг бошқа аъзосига беришига ҳақли эмас.

12.22. Банк кенгаши аъзоларининг овозлари тенг бўлган ҳолда, Банк кенгаши раисининг овози ҳал этувчи ҳисобланади.

12.23. Банк кенгаши мажлисининг баённомаси мажлисда иштирок этаётган Банк кенгаши аъзолари томонидан имзоланади, улар мажлиснинг баённомаси тўғрилиги учун жавобгардир.

12.24. Банк кенгаши қарорлари билан Банк акциядорлари таништирилиши мумкин (тижорат сири бўлган қарорлардан ташқари).

12.25. Банк кенгашининг қарорлари сиртдан овоз бериш йўли билан (сўров йўли билан) Банк кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши мумкин.

12.26. Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра, Банк кенгаши аъзоларига улар ўз вазифаларини бажариб турган даврда ҳақ тўланиши ва кенгаш аъзоси вазифасини бажариш билан боғлиқ харажатлари қопланиши мумкин. Бундай ҳақ ва тўловларнинг миқдори акциядорлар умумий йиғилиши қарори билан белгилаб қўйилади.

12.27. Банк кенгашининг аъзолари, ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз бурчларини бажаришда Банк манфаатларини кўзлаб иш тутишлари лозим.

12.28. Банк кенгаши аъзолари Банк ва унинг акциядорлари олдидаги ўз мажбуриятларини зарур даражада бажармаганликлари учун қонун ҳужжатларига ва мазкур уставга мувофиқ жавобгар бўладилар.

12.29. Банкда банк кенгаши аъзоларининг ҳеч бўлмаганда биттаси Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлиши лозим.

12.30. Банкка зарар етказилишига сабаб бўлган қарорга овоз беришда иштирок этмаган ёки ушбу қарорга қарши овоз берган Банк кенгаши аъзолари жавобгар бўлмайди, қонунчиликда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

13. БАНКНИНГ ИЖРОИЯ ОРГАНИ (БОШҚАРУВИ)

13.1. Банкнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик коллегиал ижроия орган – Банк бошқаруви томонидан амалга оширилади. бошқарув фаолиятига Банк бошқарув раиси раҳбарлик қилади

13.2. Банк Бошқаруви 8 (саккиз) нафар аъзодан иборат бўлиб, акциядорлар умумий йиғилишининг мутлақ ваколатлари ва Банк кенгаши ваколатларига киритилган масалалардан ташқари барча масалаларни ҳал қилиш ваколатига эга.

13.3. Банк бошқаруви таркибига Бошқарув раиси, унинг ўринбосарлари, Бош бухгалтер, шунингдек банкнинг асосий бўлинмалар раҳбарлари кириши мумкин.

13.4. Банк бошқаруви банкнинг ижро этувчи органи ҳисобланиб, унинг жорий фаолиятини бошқаради ва оператив раҳбарликни Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, Банк устави, акциядорлар умумий йиғилиши ва Банк кенгашининг қарорларига мувофиқ амалга оширади.

13.5. Банк бошқаруви акциядорлар умумий йиғилиши ва Банк кенгашига ҳисобот беради.

13.6. Бошқарув раисини лавозимга тайинлаш тўғрисидаги қарор, кенгаш томонидан, одатда, хорижий менежерлар ҳам иштирок этиши мумкин бўлган танлов асосида қабул қилинади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан келишилган ҳолда, Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланади.

13.7. Банк бошқаруви раиси билан меҳнат шартномасини Банк номидан Банк кенгаши раиси имзолайди. Бошқарув аъзолари билан меҳнат шартномаларини Банк номидан Банк кенгаши раиси ёки Банк кенгаши ваколат берган шахс имзолайди.

13.8. Мазкур уставга ва амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ банк ходимлари билан меҳнат шартномасини Банк бошқаруви раиси банк филиаллари ходимлари билан банк филиалларининг раҳбарлари тузадилар.

13.9. Банк бошқаруви акциядорлар умумий йиғилиши ва Банк кенгашининг қарорлари бажарилишини ташкил этади.

13.10. Банк бошқаруви Банк устави ва «Банк бошқаруви тўғрисида»ги Низом асосида иш олиб боради.

13.11. Банк бошқарувининг мажлиси зарур ҳолларда, бироқ бир ойда камида бир марта ўтказилади.

13.12. Банк бошқаруви унинг кун тартибига киритилган масалаларни, агар мажлисда бошқарув аъзоларининг етмиш фоизидан ортиқ қисми қатнашса, ҳал қилишга ҳақлидир.

13.13. Банк бошқаруви мажлисида қарорлар мажлисда қатнашаётган бошқарув аъзоларининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади. бошқарув мажлисида масалалар ҳал этилаётганда бошқарувнинг ҳар бир аъзоси битта овозга эга. Овозлар тенг бўлиб қолган тақдирда Банк бошқаруви раисининг овози ҳал этувчи ҳисобланади. Мазкур уставнинг 13.16. бандининг д) қисмида кўрсатилган масала бўйича қарор мажлисда иштирок этаётган Банк бошқаруви аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилинади.

13.14. Банк бошқаруви томонидан қабул қилинган қарорга рози бўлмаган бошқарув аъзолари ўз фикрларини Банк кенгашига билдиришлари мумкин.

13.15. Бошқарув мажлисида баённома юритилади. Бошқарув мажлисининг баённомаси кенгаш ва тафтиш комиссияси аъзоларига, аудиторга уларнинг талабига кўра берилади.

13.16. Банк бошқарувининг ваколатлари ва мажбуриятларига қуйидагилар киради:

а) Банкнинг ички меъёрий ҳужжатларини тасдиқлаш, акциядорлар умумий йиғилишининг ёки Банк кенгашининг ваколатларига киритилган масалалар бундан мустасно;

б) Банк ваколатхоналари ва филиаллари учун мажбурий бўлган қарор, буйруқ ва фармойишлар чиқариш;

в) Банкни ривожлантириш дастурлари ва бизнес-режаларини ишлаб чиқиш, уларни ташкил этиш ва бажарилишини таъминлаш;

г) мазкур уставга мувофиқ акциядорлар умумий йиғилиши ёки Банк кенгаши томонидан кўриб чиқилиши лозим бўлган масалаларни олдиндан кўриб чиқиш ҳамда улар бўйича тегишли материаллар, таклифлар ва қарорлар лойиҳаларини тайёрлаш.

д) ўз ваколати доирасида мол-мулкни сотиб олиш ёки уни сотиш, бегоналаштириш ёхуд мол-мулкни бошқа шахсга ўтиши эҳтимоли билан боғлиқ битим тузиш;

е) Жами суммаси банкни биринчи даражали капиталининг 5 (беш) фоизигача ва унга тенг бўлган микдордаги барча битимларни тузиш ҳақида қарорлар қабул қилиш. Битим тузиш масаласида Банк бошқаруви якдиллигига эришилмаган ҳолларда битим тузиш тўғрисидаги масала Банк бошқаруви қарорига мувофиқ кенгаш ҳукмига ҳавола этилиши мумкин;

ж) ўз ваколатига тегишли ишларнинг ҳолати тўғрисидаги ахборотни акциядорларнинг умумий йигилишига ва Банк кенгашига белгиланган муддатда тақдим этиш;

з) Банк кенгаши томонидан тасдиқланган бизнес-режада кўрсатилган миқдорларда фойда олишни таъминлаш;

и) ўз ваколатлари доирасида Банкнинг самарали ва барқарор ишлашини таъминлаш;

к) Акциядорлар умумий йиғилиши ва Банк кенгаши қарорларининг бажарилишини ташкил этиш;
л) Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига, ҳамда Банк ички ҳужжатларига риоя қилиш;
м) Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчиликка ва бошқа қонун ости ҳужжатларига, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки меъёрий ҳужжатларига ҳамда Банк ички ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқ (ваколат) ва мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин;
н) Кенгаш томонидан белгиланган банк бизнес-режа миқдори асосида ҳомийлик (хайрия) ёки беғараз ёрдам кўрсатиш (олиш) шунингдек, Банкнинг веб-сайтида ушбу ахборотни ошкор этилишини таъминлаш.

13.17. Банк бошқарув раисининг ваколатлари ва мажбуриятларига қуйидагилар киради:
а) Устав ва Банк кенгаши томонидан ўзига берилган ваколатларга мувофиқ банкнинг ишига раҳбарлик қилиш;
б) Банк номидан ишончномасиз иш юритиш, давлат муассасалари, барча мулк шаклларидаги корхона ва ташкилотларда Банкнинг манфаатларини ҳимоя қилиш;
в) Банк мижозлари билан шартномалар ва контрактлар тузиш;
г) штатларни белгилаш, Банк ходимларини ишга қабул қилиш, улар билан меҳнат шартномаларини тузиш ва бекор қилиш, уларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш, ходимлар томонидан меҳнат ва ижро интизомини сақлаб туришини таъминлаш;
д) Банкларда вакиллик ва бошқа ҳисобварақларни очиш;
е) Банкнинг таркибий бўлинмалар тўғрисидаги низомлар, ходимларнинг лавозим йўриқномаларини тасдиқлаш;
ж) Банк номидан амалдаги қонунчиликка асосан ишончномаларни бериш;
з) Банк номидан банк филиаллари раҳбарлари билан меҳнат шартномаларини тузиш;
и) Банкнинг барча ходимлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган буйруқ ва фармойишлар чиқариш ва кўрсатмалар бериш;
к) ўз ваколати доирасида банкнинг ички меъёрий ҳужжатларини тасдиқлаш;
л) Банкнинг таркибий бўлинмаларининг ўзаро самарали ҳаракатини таъминлаш;
м) Банкни ривожлантириш дастурлари ва бизнес-режалари ишлаб чиқилишига раҳбарлик қилиш, ташкил этиш ва бажарилишини назорат қилиш;
н) Банкнинг фаолиятида қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилинишини таъминлаш;
о) амалдаги қонунчиликка мувофиқ, банкда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг ташкил этилиши, тегишли расмийлаштирилганлиги ва ишончлилигини, йиллик ҳисоботлар ва бошқа молиявий ҳисоботлар тегишли органларга ўз вақтида тақдим этилишини, шунингдек акциядорларга, кредиторларга ва бошқа олувчиларга юбориладиган банк фаолияти тўғрисидаги маълумотлар тақдим этилишини таъминлаш;
п) Банкнинг молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатларни Банк кенгаши, тафтиш комиссияси ёки банк аудитори талабига кўра тақдим этиш;
р) Давлат статистика ҳисоботини тегишли органларга тўлиқ ва ўз вақтида тақдим этилишини таъминлаш;
с) Банк сирини ташкил этувчи ахборотларни сақлаш, агар бундай ахборотни учинчи шахсларга бериш унинг вазифалари доирасига кирмаса. Банк сирини ташкил этувчи маълумотлар рўйхати банк Бошқаруви томонидан белгиланади;
т) хизмат, тижорат ва банк сирини ташкил этувчи ахборотнинг банк ходимлари томонидан сақланишини таъминлаш;
у) Банкни малакали кадрлар билан таъминлаш, банк ходимларининг билими, малакаси, тажрибаси ва қобилиятларидан энг яхши фойдаланиш чораларини кўриш;
ф) Банк ходимларининг ижтимоий кафолатларига риоя қилинишини ва улар меҳнатини муҳофаза қилинишини таъминлаш;
х) ўз ваколатига тегишли ишларнинг ҳолати тўғрисидаги ахборотни акциядорларнинг умумий йигилишига ва банк Кенгашига белгиланган муддатда тақдим этиш;

ц) Банк акциядорларининг умумий йиғилишида қатнашиш, дивидендлар ҳисобланиши ва тўланиши бўйича акциядорларнинг барча ҳуқуқларига риоя қилинишини таъминлаш;

ч) Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчиликка ва бошқа қонун ости ҳужжатларига, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки меъёрий ҳужжатларига ҳамда банк ички ҳужжатларига риоя қилиш.

13.18. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахслари Банк бошқаруви органларида ўриндошлик асосида ишлашга ҳақли эмаслар.

13.19. Банк кенгаши Банкнинг бошқаруви раиси ва аъзолари билан тузилган шартномани, агар шартнома тузишда улар банк уставини ва ички низомларини қўпол тарзда бузишга йўл қўйган бўлса ёки уларнинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) туфайли банкка зарар етказилган бўлса, муддатидан илгари тугатиш (бекор қилиш) ҳуқуқига эга.

13.20. Банк бошқарув раиси ва аъзолари ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз бурчларини бажаришда Банк манфаатларини кўзлаб иш тутиши лозим.

13.21. Банк бошқарув раиси ва аъзолари ўзларининг лавозим мажбуриятларини ҳалол, шунингдек Банк манфаатлари йўлида амалга оширишга мажбурдирлар.

13.22. Банк бошқаруви раиси ва аъзолари қонун ҳужжатларига ва ушбу уставга мувофиқ Банк ва акциядорлар олдида жавобгардирлар.

13.23. Банкка зарар етказилишига сабаб бўлган қарорга овоз беришда иштирок этмаган ёки ушбу қарорга қарши овоз берган Банк бошқарув аъзолари жавобгар бўлмайди, қонунчиликда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

13.24. Банк акциядорлар умумий йиғилишида акциядорлар вакили сифатида иштирок этувчи Банк бошқарув раиси Банк бошқаруви раиси билан тузилган шартноманинг муддатини узайтириш, уни қайта тузиш ёки бекор қилиш мумкинлиги ҳақидаги масалалар бўйича овоз бериш ҳуқуқига эга эмас.

13.25. Чет эл капитали иштирокидаги банк сифатида - бош бухгалтер, бошқарув раиси ўринбосари лавозимларига, бошқарув раиси ўринбосарлари бир кишидан кўп бўлган банкларда эса - биринчи ўринбосар лавозимига Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тайинланади.

14. БАНКНИНГ МОЛИЯ-ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ

а) Тафтиш комиссияси

14.1. Банкнинг молия-хўжалик фаолиятини назорат қилиш учун акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан 1 йил муддатга 3 (уч) кишидан иборат тафтиш комиссияси сайланади.

14.2. Банк тафтиш комиссияси аъзоларига доир малака талаблари акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан белгиланади. Айни бир шахс Тафтиш комиссияси таркибига кетма-кет 3 (уч) мартадан ортиқ сайланиши мумкин эмас.

14.3. Банк тафтиш комиссиясининг ваколати доирасига қуйидагилар киради:

а) Банкнинг молия-хўжалик фаолиятини бир йиллик ёки бошқа давр ичидаги фаолият якунлари бўйича, ўзининг, акциядорлар умумий йиғилишининг ёки Банк Кенгашининг ташаббусига кўра ёхуд Банк овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра текшириш;

б) Банкнинг ҳисоботларида ва бошқа молиявий ҳужжатларида кўрсатилган маълумотларнинг ишончлилигига доир баҳо бериш;

в) Қонунчилик ва ушбу уставга мувофиқ акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши чақирилишини талаб қилиш;

г) Қонунчилик ва ушбу уставга мувофиқ Банк кенгашининг мажлисларини чақирилишини талаб қилиш;

д) Тафтиш комиссияси, қонунчилик, ушбу устав ва "Тафтиш комиссияси тўғрисида"ги Низомга мувофиқ бошқа ваколатларга ҳам эга бўлиши мумкин.

14.4. Банк тафтиш комиссияси фаолиятининг тартиби акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланадиган «Банк тафтиш комиссияси тўғрисида»ги Низомда белгилаб қўйилади.

14.5. Банк тафтиш комиссиясининг талабига биноан Банкнинг бошқарувидаги мансабдор шахслар молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатларни тафтиш комиссиясига тақдим этишлари шарт.

14.6. Банк тафтиш комиссиясининг аъзолари бир вақтнинг ўзида Банк кенгашининг аъзоси бўлишлари, шунингдек банкда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаши мумкин эмас.

14.7. Банкнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш Тафтиш комиссиясининг, Акциядорлар умумий йиғилишининг, Банк кенгашининг ташаббусига кўра ёки Банк овоз берувчи акцияларининг камида 5 (беш) фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра Банк кенгашини олдиндан хабардор қилиш йўли билан бир йиллик ёки бошқа давр ичидаги фаолият якунлари бўйича амалга оширилади.

14.8. Банкнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш якунларига кўра тафтиш комиссияси хулоса тузади, бу хулосада:

а) ҳисоботларда ва Банкнинг бошқа молия ҳужжатларида акс эттирилган маълумотнинг ишончлилигига доир баҳо;

б) бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молия ҳисоботини тақдим этиш тартиби, шунингдек молия-хўжалик фаолиятини амалга ошириш чоғида қонун ҳужжатлари бузилганлиги тўғрисида ахборот берилади.

14.9. Тафтиш комиссияси банкда аффилланган шахслар билан тузилган битимлар ёки йирик битимлар мавжудлиги, шунингдек қонун ҳужжатларининг ва банк ички ҳужжатларининг бундай битимларни тузишга доир талабларига риоя қилиниши тўғрисидаги хулосани ҳар чоракда Банк кенгашининг мажлисига олиб чиқади. Ушбу уставнинг 14.8. бандида кўрсатилган ахборотни ўз ичига олган хулоса акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида эшитилади.

14.10. Тафтиш комиссияси акциядорлар умумий йиғилишига ёки Банк кенгашига ўтказилган тафтиш тўғрисидаги ҳисоботни, зарур ҳолларда камчиликларни бартараф этиш бўйича тавсияномалар билан, шунингдек тасдиқлашга тақдим этилган йиллик баланс ҳамда фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботнинг банкдаги ишларнинг ҳақиқий аҳволига мувофиқлиги ҳақидаги хулосани, уларни тасдиқлаш бўйича тавсияномалар билан бирга тақдим этади.

б) Ички аудит хизмати

14.11. Банкда ички аудит хизмати ташкил этилади. Ички аудит хизмати Банк кенгашига ҳисобдордир. Ички аудит хизмати аъзоларининг сони ва шахсий таркиби амалдаги қонунчилик билан белгиланган тартибда ташкил этилади.

14.12. Ички аудит хизмати Банкнинг ижроия органи, филиаллари ва ваколатхоналари томонидан қонун ҳужжатларига, Банк уставига ва бошқа ҳужжатларга риоя этилишини, бухгалтерия ҳисобида ва молиявий ҳисоботларда маълумотларнинг тўлиқ ҳамда ишончли тарзда акс эттирилиши таъминланишини, хўжалик операцияларини амалга оширишнинг белгиланган қоидалари ва тартиб-таомилларига риоя этилишини, активларнинг сақланишини, шунингдек Банкни бошқариш юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилишини текшириш ҳамда мониторинг олиб бориш орқали Банкнинг ижроия органи, филиаллари ва ваколатхоналари ишини назорат қилади ҳамда баҳолайди. Шунингдек, ички аудит хизмати 50 фоиздан зиёд улуши Банкка тегишли бўлган юридик шахслар билан ўтказилган операциялар устидан назоратни амалга оширади.

14.13. Банк ички аудитининг иш фаолияти Банк кенгаши томонидан тасдиқлаган “Банк ички аудит хизмати тўғрисида”ги Низом билан белгиланади.

в) Аудиторлик ташкилоти

14.14. Аудиторлик ташкилоти банк билан тузилган шартномага мувофиқ қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда банкнинг молия-хўжалик фаолиятини текширади ва унга аудиторлик хулосасини тақдим этади.

14.15. Аудит, хусусан, капиталнинг етарлилигини баҳолаш, кредитларни таснифлаш, кредитлар бўйича зарарларни қоплаш, таваккалчиликни ва ликвидликни ўлчашни ўз ичига олади. Аудиторлик текшируви бухгалтерия ҳисобининг халқаро андозаларига мувофиқ равишда ўтказилиши лозим.

14.16. Аудиторлик ташкилоти банкнинг молиявий ҳисоботи ва молияга доир бошқа ахборотлар ҳақида нотўғри якун баён этилган аудиторлик хулосаси тузганлик оқибатида етказилган зарар учун банк олдида жавобгар бўлади.

г) Банк корпоратив маслаҳатчиси

14.17. Банк кенгашига ҳисобдор бўлган ва корпоратив қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назорат қилиш вазифасини бажарувчи банк корпоратив маслаҳатчи лавозими жорий этилади.

14.18. Банк корпоратив маслаҳатчисининг фаолияти банк кенгаши томонидан тасдиқланган низом асосида юритилади. Банк корпоратив маслаҳатчисининг мақсад ва вазифалари низомда белгиланади.

14.19. Банк корпоратив маслаҳатчисини тайинлаш тўғрисидаги қарор банк кенгаши томонидан қабул қилинади. Банк кенгашининг қарори асосида банк корпоратив маслаҳатчиси билан банк бошқаруви ўзаро меҳнат шартномасини тузади.

д) Миноритар акциядорлар қўмитаси

14.20. Миноритар акциядорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида, қонунчиликда белгиланган тартибда банк акциядорлари орасидан қўмита ташкил этилиши мумкин.

14.21. Қўмитанинг иш фаолияти банк акциядорлари умумий йиғилиши томонидан тасдиқлаган Низом асосида юритилади ва унинг мақсад ва вазифалари низомда белгиланади.

14.22. Акциядорлар, жумладан миноритар акциядорлар овоз беришда ўз позицияларини шакллантириш мақсадида акциядорлик келишувларини тузишлари мумкин.

14.23. Банк миноритар акциядорлик қўмитасини таъминлаш бўйича амалга оширилган харажатларни қоплайди (миноритар акциядорлик қўмитаси тузилган тақдирда).

15. БАНКНИНГ ҲИСОБИ ВА ҲИСОБОТИ, ЙИЛЛИК ҲИСОБОТЛАРНИ ТУЗИШ, ТЕКШИРИШ ВА ТАСДИҚЛАШ ТАРТИБИ

15.1. Банк Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва қонун ости ҳужжатлари, ҳамда халқаро андозаларга мувофиқ Марказий банк томонидан белгиланган тартибда бухгалтерия ҳисобини юритади ҳамда молиявий ҳисобот тақдим этади.

15.2. Банкда бухгалтерия ҳисобининг ташкил этилиши, унинг ҳолати ва ишончлилиги, тегишли органларга ҳар йилги ҳисобот ва бошқа молия ҳисоботлар, шунингдек Банкнинг расмий веб-сайтида ва оммавий ахборот воситаларида акциядорларга, кредиторларга тақдим этиладиган банк фаолиятига доир маълумотлар ўз вақтида тақдим этилиши учун жавобгарлик қонун ҳужжатларига мувофиқ Банк бошқаруви зиммасида бўлади.

15.3. Банк фаолияти якунлари Марказий банкка тақдим этиладиган ойлик, чораклик ва йиллик бухгалтерия балансларида, фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботда, шунингдек йиллик ҳисоботда акс эттирилади.

15.4. Банкнинг йиллик ҳисоботида қуйидагилар кўрсатилиши керак:

а) банкнинг тўлиқ ва қисқартирилган номи, унинг жойлашган жойи (почта манзили), банк реквизитлари, рўйхатдан ўтказувчи орган, давлат статистикаси ва солиқ хизмати органлари томонидан берилган рўйхатдан ўтказиш ва идентификация рақамлари;

б) ўтган йилдаги хўжалик фаолияти натижалари ҳақидаги ахборот;

в) мансабдор шахсларнинг шахсий таркибидаги ўзгаришларнинг асослари;

г) тегишли йил юзасидан бухгалтерия баланси ва молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот;

д) аудиторлик ташкилоти хулосаси нусҳаси;

е) қўшимча чиқарилган қимматли қоғозлар ҳақидаги асосий маълумотлар;

ж) ҳисобот йилида Банкнинг фаолиятидаги муҳим фактлар.

15.5. Банкнинг молиявий ҳисоботида кўрсатилган ва акциядорларнинг умумий йиғилишига тақдим этиладиган молиявий ҳисоботдаги, бухгалтерия балансидаги, фойда ва зарарлар ҳисобварағидаги маълумотларнинг ишончлилиги мулкий манфаатлари Банк ёки унинг акциядорлари билан боғлиқ бўлмаган аудиторлик ташкилоти томонидан тасдиқланган бўлиши керак.

15.6. Банкнинг йиллик ҳисоботи акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан ўттиз кундан кечиктирмай Банкнинг кенгаши томонидан дастлабки тарзда тасдиқланиши лозим.

15.7. Банкнинг молиявий ҳисоботлари Марказий банк белгилайдиган шакл ва муддатларда, оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

15.8. Банкнинг молия йили 1 январдан бошланади ва 31 декабрда тугайди.

16. БАНК ФИЛИАЛЛАРИ, УЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

16.1. Банк номидан банк операцияларининг барчасини ёки бир қисмини, шу жумладан, филиал жойлашган ҳудудда ваколатхона (вакил) вазифаларини амалга оширувчи алоҳида бўлинма банк филиали ҳисобланади.

16.2. Банк ўрнатилган тартибда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида филиаллар ташкил этиши ҳамда уларга қонун ҳужжатлари ва Банк уставида белгиланган доирада ва тартибда ваколатлар бериши мумкин.

16.3. Банк Марказий банкнинг рухсати билан Ўзбекистон Республикасидан ташқарида филиаллар ташкил этиши ва ваколатхоналар очиши ҳамда уларга қонун ҳужжатлари ва Банк уставида белгиланган доирада ва тартибда ваколатлар бериши мумкин.

16.4. Банк филиали Банк томонидан мол-мулк билан таъминланади. Филиал номи банк номига тўлиқ мос келиши керак.

16.5. Банкнинг филиаллари ва ваколатхоналари юридик шахс ҳисобланмайди. Филиал ўз фаолиятини Банк кенгаши тасдиқлаган филиал тўғрисидаги низом ва Банк томонидан берилган ишончнома доирасида Банкка берилган лицензия асосида амалга оширади.

16.6. Банк филиаллари қонун ҳужжатларига мувофиқ Банк кенгаши қарорига биноан ташкил этилади /тугатилади, ҳамда Марказий банкда рўйхатга олинади/чиқарилади.

16.7. Банк филиаллари раҳбарлари ҳамда бош бухгалтерлари Банк бошқаруви томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки касбга мувофиқликни аниқлаш комиссияси ижобий хулосаси асосида тайинланади. Банк бошқарув раиси Банк филиаллари раҳбарлари билан Банк номидан меҳнат шартномасини тузади.

17. МИЖОЗЛАРНИНГ МАНФААТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ

17.1. Хизмат хусусиятига кўра, Банк маълумотларидан хабардор бўлган шахслар мижозларнинг операциялари, ҳисобварақлари ва омонатларига доир маълумотларнинг ошкор этилиши учун қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

17.2. Банк ўз мижозлари ҳамда вакилларининг операциялари, ҳисобварақлари ва омонатларига доир маълумотлар сир сақланишини кафолатлайди. Банкнинг барча ходимлари ва акциядорлари Банк, унинг мижозлари ҳамда вакилларининг операциялари, ҳисобварақлари ва омонатларига доир маълумотларни сир сақлашлари шарт. Мижозларнинг Банкда сақланган пул маблағлари ва бошқа мулкига, шу

жумладан фуқароларнинг омонатларига нисбатан фақат Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида кўзда тутилган асослар бўйича ва тартибда ҳибсга олиш, ҳамда ундириб олиш чоралари қўлланилиши мумкин.

17.3. Юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳисобварақларига доир операциялар тўғрисидаги маълумотлар қуйидагиларга, ҳисобварақ эгалари,уларнинг қонуний вакиллари ва меросхўрларига, прокурор, суд, суриштирув органлари, солиқ, тергов ва бошқа ваколатли органларга қонунчиликда белгиланган тартибда берилади.

17.4. Банк унга сақлаш учун берилган, омонатларга қўйилган ва бошқа операциялар бўйича пул ва бошқа маблағлар, қимматликларни, ҳамда мулкнинг бут сақланишини кафолатлайди.

17.5. Банк Ўзбекистон Республикаси Марказий банки белгилаган меъёрларга мувофиқ ўз баланс тузилмасини тартибга солиш йўли билан зиммасидаги мажбуриятларни ўз вақтида ва тўлиқ бажариш учун доимий тайёр ҳолатда бўлади.

17.6. Банк жалб қилинган пул маблағларининг бир қисмини Ўзбекистон Республикаси Марказий банки белгилаган меъёрий ажратмаларига мувофиқ, мажбурий захиралар фондига депонентлайди.

18. БАНКНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ТУГАТИШ

18.1. Банкни қайта ташкил этиш (жумладан: қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш ва ўзгартириш) ва тугатиш акциядорлар умумий йиғилишининг қарори асосида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилиги билан белгиланган ҳолларда ва тартибда амалга оширилади.

18.2. Банкни қайта ташкил этиш Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 49–52 моддалари, "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонуннинг 92–97 моддалари, шунингдек Марказий банк томонидан тасдиқланган тегишли Низомларга мувофиқ амалга оширилади.

18.3. Банкнинг тугатилиши ҳуқуқ ва мажбуриятларни ҳуқуқий ворислик тартибида бошқа шахсларга ўтказмаган ҳолда банк фаолиятини тугатишга сабаб бўлади.

18.4. Банк қуйидаги ҳолларда тугатилади:

а) Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига мувофиқ;

б) Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ суд қарорига асосан;

в) Марказий банк лицензияни чақириб олганида;

г) банкрот деб эълон қилинганида;

д) амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа сабабларга асосан.

18.5. Банкни тугатиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 53–56 моддалари, "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонуннинг 98–101 моддалари, шунингдек Марказий банк томонидан тасдиқланган тегишли Низомларда белгиланган тартибга мувофиқ амалга оширилади.

18.6. Банкни тугатиш тўғрисидаги қарор қабул қилинганидан сўнг Банк акциядорларининг умумий йиғилиши тугатиш комиссиясини тайинлайди.

18.7. Тугатиш комиссияси тайинланган вақтдан бошлаб унга банк ишларини бошқариш ваколатлари ўтади.

18.8. Банкни қайта ташкил этиш ёки тугатиш ҳақидаги хабар матбуотда эълон қилинади.

18.9. Тугатиш комиссияси ноқонуний ёки атайин нотўғри қилинган ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) натижасида банкка келтирилган зарар учун жавобгардир.

19. УСТАВГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ

19.1. Банк акциядорларининг умумий йиғилиши ва ўз ваколатлари доирасида Банк кенгаши томонидан Банк уставига киритиладиган барча ўзгартириш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикаси марказий манки томонидан белгиланган тартибда рўйхатга олинади.

19.2. Банк уставига киритилган ўзгартиришлар ва қўшимчалар ёки Банкнинг янги таҳрирдаги устави учинчи шахслар учун улар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб, амалдаги қонунчиликда белгиланган ҳолларда эса Ўзбекистон Республикаси марказий банки хабардор этилган пайтдан эътиборан кучга киради.

19.3. Агар, мазкур уставни бирон бир қоидаси ўз кучини йўқотган бўлса, бу қоида бошқа қоидаларни тўхтатиш учун сабаб бўлмайди.

19.4. Агар, Ўзбекистон республикасининг амалдаги қонунчилик ҳужжатларида мазкур уставда назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик ҳужжатлари қоидалари қўлланилади.

19.5. Банкнинг ушбу устави Давлат рўйхатидан ўтказилиши муносабати билан Банк акциядорлари умумий йиғилишининг 2015 йил 5 ноябрда 36-сонли баённома билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан 2015 йил 20 ноябрда 75/2-сон билан рўйхатга олинган Банк устави, ҳамда унга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар ўз кучини йўқотган деб ҳисобланади.

Бошқарув раиси **Б.Н.Бурханов**